

**ФИРИБГАРЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ**

*Фаргона тумани ИИБ ҳузуридаги  
Тергов бўлинмаси терговчиси  
катта лейтенант  
Баходиржон Олимов*

Кейинги вақтларда жамиятимизда ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштириш, хусусан фирибгарлик жинояти тез-тез содир бўлиб турмоқда. Аждодлари дину диёнат, ахлоқу одоб, ор-номус, ҳалолу покликка одатланган ўзбек халқининг авлодларидан мазкур жиноятга қўл ураётганларнинг учраши ачинарли ҳолдир. Ҳолбуки, динимизда бировнинг молини алдов, фирибгарлик, чув тушириш йўли билан ўзлаштиришдан қаттиқ қайтарилган.

Қуръони каримда бу ҳақда шундай баён этилган. Аллоҳ таоло айтади: “Мол ва бойликларингизни ўрталарингизда ботил йўллар билан емангиз. Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўл билан ейиш мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз.” (Бақара сураси, 188- оят). Фирибгарлик жинояти молни ботил йўл билан ейишнинг бир кўриниши бўлиб, бундай йўл билан топилган мол дўзах оташининг бир бўлаги ҳисобланади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидагича марҳамат қиладилар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари Умму Салама розияллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужраларининг олдида жанжал овозини эшитиб, ташқарига чиқдилар ва дедилар: “Мен ҳам бир инсонман. Менинг ҳузуримда ҳақ талашиб, даъво билан келиб турасизлар. Балки бирингиз бошқангиздан сўзга чечанроқ бўлиб чиқарсиз ва мен уни рост гапиряпти, деб шунга қараб ҳукм чиқараман. Лекин билиб қўйингки, мен кимга бирор мусулмоннинг ҳаққини олиб берган бўлсам, ўша нарса дўзахнинг бир чўғидир. Хоҳлаган уни олсин, хоҳламаган олмасин”. Сир эмаски, кейинги вақтларда баъзи кишилар одамлардан қарзга ёки шерикчиликка, деб пул олиб, охир-оқибат уни қайтармай ўртада низо чиқиши, яқин кишилар бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Албатта, зарурат учун қарз олиш ёки шерикчилик билан шуғулланиш жоиз. Бироқ, олган қарзини пайсалга солмай қайтариш, шерикчиликда эса хиёнат қилмаслик лозим. Акс ҳолда бошланган ишлар ортга кетиб, касодга учраши тайин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: “Ким одамларнинг молини қайтариб бериш мақсадида олса, Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлади. Ким одамларнинг молига талофат етказиш учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзига талофат етказди”.

Фирибгарлик жинояти бу ўзгалар мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқига тажовуз қилиш. Бу тажовуз ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда ўзлаштириш мақсадида жабрланувчини алдаш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали амалга оширилади.

Бу жиноят кўпинча, алдов йўли билан содир этилади. Бу мулкдорга ёлгон маълумотларни хабар қилиш ёки ҳақиқий фактларни яшириш, масалан, юридик факт ва воқеалар бўйича, мулкнинг сифати нархи ҳақида, шахси бўйича ёлгон маълумотларни хабар қилиш - масалан, ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатади.

Бундан ташқари ишончни суиистеъмол қилиш йили билан ҳам амалга оширилади. Бу ҳолатларга, масалан, фирибгарнинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлади.

Ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ўзлаштириш жиноятини молиявий пирамида мисолида кўриш мумкин. Молиявий пирамидага учраган фуқаролар нақд пулларини ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларини ўз хохишлари билан фирибгарга топширади. Ушбу фуқароларни жабрланувчи дейиш ҳам нотўғри, чунки улар тез орада бойиб кетишни истайди, пулларни икки баровар қилиб қайтаришга ваъда берган шахс гайриқонуний ҳаракатларни амалга ошираётганлигидан хабардордор бўлсада унга рози бўлади. Бироқ ҳалқ орасида шундай гап бор – текин сир фақат қопқонда. Пирамида қулаганда барча пуллар йўқ бўлиб кетади, уларни топширган одамлар зарар кўради. Молиявий пирамида моделининг шу кунга қадар мавжуд бўлганлиги, ва эҳтимол, ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмаслигининг сабабини одамларнинг тезроқ бойиб кетишни исташи, осон пул топшни мақсад қилиши билан изоҳлаш мумкин.

Терговчи ва судьяларнинг фикри бўйича бундай жиноятчи ўзини туттиши, ақл фаросати, дунёқараши, фикрлаш доираси ва хулқ-атвори билан бошқа турдаги гаразли жиноятларни содир этувчи (ўғри, талончи, безори) шахслардан фарқ қилади. Фирибгар жиноятни содир этишида барча қобилиятини ишлатиб одамларни ўзига жалб қилади, уларда ўзларига нисбатан ишонч ва қизиқиш уйғотади ва одамларни ўзига тортишига, қизиқтиришига, ўзини яхши кўрсатишига уста бўлади.

Суд тергов амалиёти шуни кўрсатадики, фирибгарлик жинояти аксарият ҳолларда фуқароларнинг ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчи шахс фирибгарга нисбатан ўта ишонч ва очиқ кўнгилик билдиради, истаган мақсадларига айланма, ноқонуний йўл орқали эришишни хошлашади ва натижада ўзларини алданиб қолганини сезмай қолади.

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг мулкани ёки мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш қонунчиликка

*кўра жиноий жавобгарликка сабаб бўлишини тушунтириб ўтамиз. Хар бир фуқаронинг хаёти, соғлиги ва мол-мулки қонун билан ҳимоя қилинади.*

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдукодиров Ш.Ё. Айбнинг зҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 91 б.
2. Абдурасулова К.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. - Тошкент: ТДЮИ, 2005.- 156 б.
3. Алимов Ҳ.Р., Маҳмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати: Чизмалар албоми. - Тошкент: 14. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. -Б. 19.
4. Аллабергенов А.П. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик- Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 39.
5. Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик. Тошкент: Адолат, 2007. -Б. 118.
6. Ахраров Б.Д. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жинояти учун жиноий жавобгарлик: Ўқув кўлламма. - Тошкент: ТДЮИ, 2007.-Б. 39.